



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 30.05.2022 г. № 4

между Гарант Учкудук МЧЖ и Учкудук туман МТБ на общую сумму 121827724,00

Глава \_\_\_\_\_ 251  
Казначейский лицевой счёт \_\_\_\_\_ 100022860122487091100251007

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май	121 827 724,00			121 827 724,00
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>121 827 724,00</b>			<b>121 827 724,00</b>

Всего 121827724,00 сум

Сто двадцать один миллион восемьсот двадцать семь тысяч семьсот двадцать четыре сум 00 тийин  
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 36548317,20 сум или \*30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в май мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ %, от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Амонова Нигора Насимовна

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

в.в.б.Ражабова Малика Шахобовна

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения \_\_\_\_\_

(подпись)

Получил работник заказчика \_\_\_\_\_

(подпись)

« \_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

« \_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

2022 ҅. «30» 5

2022-163-5-76-МТ-  
son

Учқудук туман

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Учқудук тумани мактабгача таълим бўлими номидан Низоми асосида иш кўрувчи Н.Амонова бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “GARANT UCHQUDUQ” МЧЖ номидан Устави асосида иш кўрувчи Ф.Муротов иккинчи томондан Учқудук туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли МТТни том қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича қуйидаги шартномани туздилар:

### I. ТАРАФЛАР.

1. Бажариладиган қурилиш ишлари ишчи лойиҳасига асосан олиб борилади, бажариладиган ишлар тасдиқланганлиги туғрисидаги далолатномалар ва қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган (Форма-2) далолатномаси асосида иш олиб борилади.

Қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. белгиланадиган барча белгилар билан баягилаб қўйилади;

Вактинчалик иншоотлар – пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнигиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Бажариладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан бажариладиган ишлар;

Шартнома нарҳини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Учқудук туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли МТТни том қисмини жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда лойиҳа смета ҳужжатларига асосан 121 827 724 (Бир юз йиғирма бир миллион саккиз юз йиғирма етти минг етти юз йиғирма тўрт ) сўмни ташкил этади. 4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқга ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегшли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим имзолаш билан расмийлаштирилади.

#### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили ҳақида буюртмачини хабардор қилиш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган даракларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалликларини суғурта қилиш;

Қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб \_\_кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

Кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 15 иш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорига аванс ўтказади, бу 36 548 317,20 (Ўттиз олти миллион беш юз қирқ саккиз минг уч юз ўн етти ) сўм 20 тийини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сўнг, кейинги тўлов «Бажарилган ишлар» далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни муттасил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура – қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риюя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисоб-ланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган туйроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шуниндек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи, Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб – ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан икки кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса, ёки у бу ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан, қурилиш ва қурилиш қийматини қўпайтирмаслик шarti билан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Ушбу шартнома 34–бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишни кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб – сидиради ва озода сақлайди. Қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтларини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шуниндек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шуниндек ушбу ҳолатлар юзасига кетган вақтга муносив равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳамда мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатиغا;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатцияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Объектдан фойдаланилганда муҳандис тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф қилиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

35. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини исчисло этмайди.

#### XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

36. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

38. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишларнинг қийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаларига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

Иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди; Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хусусий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликга тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмларининг 0,3% миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

44. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажминини тасдиқлашда асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,3 % миқдорига жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 % миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган пуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 % и миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шуниндек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,3% миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### III. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

49. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шуниндек етказилган зараларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

### XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

51. Пудратчи қурилиш объектига ёки уларнинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

52. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

53. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

55. Мазкур шартномада назарда тутилган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб Ғазначилик бўлинимасида рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний кучга қиради ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача белгиланади.



**XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

БУЮРТМАЧИ	
Ташкилот номи: Мактабгача бўлими	таълим
Манзил: Учқудук туман Чўл гули 26 уй	
Телефон: 79 593-49-47	
СТИР коди: 305149316	
ОКОНХ: 04443	
Х/р: 100022860122487091100251007	
Банк номи: Тошкент шаҳар банк	Марказий
МФО: 00014	
Ҳазначилик номи: Учқудук бўлинимаси	туман
Х/Р: 23402000300100001010 <sup>158</sup>	
Банк номи: Тошкент банк	шаҳар Марказий
МФО: 00014	СТИР коди: 201122919
Раҳбар: _____	Н.Амонова
М.Ў.	

ПУДРАТЧИ	
"GARANT UCHQUDUQ" МЧЖ	
Манзил: Учқудук тумани 34 уй	А.Темур кўчаси
Телефон: 93-149-11-11, 94-225-11-11	
СТИР: 303 314 319	
ОКОНХ: 41202	
Х/р: 20208-000-700-460-641-001	
Банк номи: АЖ "Миллийбанк" филиали	Учқудук
МФО: 00880	
Раҳбар: _____	Ф.Муротов
М.Ў.	



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

№YN83313167

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi**

Pudrat shartnomasi № 4

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Uchquduq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi 30.05.2022 yil.

**XULOSA**

Ushbu Uchquduq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "GARANT UCHQUDUQ" MCHJ bilan o'zaro tuzilgan maktabgacha ta'lim bo'liniga qarashli 12-sonli maktabgacha ta'lim muassasisini tom qismini ta'mirlash ishlari to'g'risidagi loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 37-bob, 631-655-moddalari yana "Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizom" talablariga rioya qilingan (hujjat tartib raqami 3016), talablariga javob beradi, qabul qilinishi ko'zda tutilayotgan mazkur loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
boshlig'i:**



**U.To'raev**  
30.05.2022 yil.

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 85253 на приобретение Учқудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотини том қисмини жорий таъмирлаш ишлари**

Способ проведения электронный

Дата 23.05.2022

Время рассмотрения 23.05.2022 16:21

Конкурсная комиссия Учқудуқ тумани МТБ Марказлашган бухгалтерия, (Далее - Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AMONOVA NIGORA NASIMOVNA	МТБ мудир	Учқудуқ туман МТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	SAFAROVA NAFISA QAHRAMONOVNA	ДавДавлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис	Учқудуқ туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	IBRAYMOVA BEKZAT KULAXMETOVNA	Иқтисодчи	Учқудуқ туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	DONIYOROVA DILDORA IBODULLAYEVNA	Давлат ва нодавлат МТМлари ҳамда ўқитишнинг муқобил шакллари ташкил этиш шўъба методисти	Учқудуқ туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	RAJABOVA MALIKA SHANOBOVNA	Бош ҳисобчи ўринбосари	Учқудуқ туман МТБ
<b>Член комиссии</b>	AKMOLDAYEVA MARINA BEREKETOVNA	Товар моддий қимматликлар ҳисоби бўйича ҳисобчи	Учқудуқ туман МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 23.05.2022 года № лота 85253.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту кровли</b>
Подробное описание	Учқудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотини том қисмини жорий таъмирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	135 355 262.00
Стартовая сумма	135 355 262.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: солиқдан ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи йўқлиги тўғрисида

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GARANT UCHQUDUQ	15	121827724	15	Экспертная		
MCHJ OQ-QUSH 2020	15	121823955	15	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	15	Қарз йўқ	15	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилот низоми .рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида маълумот нусхаси . Пудратчининг Қурилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми .рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида маълумот нусхаси . Пудратчининг Қурилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида маълумот (ССС бўлиши керак)

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GARANT UCHQUDUQ	20	121827724	20	Экспертная		
MCHJ OQ-QUSH 2020	20	121823955	15	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	20	Рейтинг ББ	20	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тўғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тўғрисида

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GARANT UCHQUDUQ	15	121827724	15	Экспертная		
MCHJ OQ-QUSH 2020	15	121823955	10	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	15	Балансида ҳам ижарада ҳам мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №4 Бажралидаган ишлар техник хажми ва кафолат муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажралидаган ишлар техник хажми ва кафолат муддати

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GARANT UCHQUDUQ	15	121827724	10	Экспертная		
MCHJ OQ-QUSH 2020	15	121823955	10	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	15	Тақдим этилди мухрланган холда	10	Экспертная		

Критерий №5 Банкдан карзи йуқлиги тўғрисида маълумот ва хозир кунда молиявий холати зарур

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охирги йиллик балланс хисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан (электрон) тасдиқланган бўлиш керак )

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GARANT UCHQUDUQ	20	121827724	20	Экспертная		
MCHJ OQ-QUSH 2020	20	121823955	10	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	20	Барча хужжатлар мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №6 Иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: Шу сохада камида 3йил стажга эга бўлиши керак ва бажарган ишлари тугрисида шартномадан нусха охирги 3 йилдаги .

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО GARANT UCHQUDUQ	15	121827724	15	Экспертная		
MCHJ OQ-QUSH 2020	15	121823955	10	Экспертная		
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	15	иш тажрибаси 9 йил	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО GARANT UCHQUDUQ	135 355 262.00	121 827 724.00	20.05.2022 10:19:33	15.00
MCHJ OQ-QUSH 2020	135 355 262.00	121 823 955.00	20.05.2022 10:39:48	15.00
FAZILAT AVTO SERVIS MЧЖ	135 355 262.00	122 147 211.00	20.05.2022 11:19:22	14.96

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>ООО GARANT UCHQUDUQ</b>	80.75	15	95.75
<b>МЧЖ OQ-QUSH 2020</b>	59.5	15	74.5
<b>FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ</b>	68	14.96	82.96

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 85253 от 23.05.2022 года на приобретение Учқудуқ туман Мактабгача таълими бўлимига қарашли 12- сонли Давлат мактабгача таълим ташкилотини том қисмини жорий таъмирлаш ишлари определила победителем:

ООО GARANT UCHQUDUQ  
303314319

и резервный исполнитель: FAZILAT AVTO SERVIS МЧЖ (302689747)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	DONIYOROVA DILDORA IBODULLAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AKMOLDAYEVA MARINA BEREKETOVNA	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	AMONOVA NIGORA NASIMOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RAJABOVA MALIKA SHAHOBOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IBRAYMOVA BEKZAT KULAXMETOVNA	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП